

5-10-2019

METHODS OF TEACHING PHILOSOPHICAL SUBJECTS AT HIGHER EDUCATION

Utkirjon Mutalibjanovich Mukhtarov
Doctorate of Andijan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mukhtarov, Utkirjon Mutalibjanovich (2019) "METHODS OF TEACHING PHILOSOPHICAL SUBJECTS AT HIGHER EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 32.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

METHODS OF TEACHING PHILOSOPHICAL SUBJECTS AT HIGHER EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мухтаров Ўткиржон Муталибжанович
Андижон давлат университети докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда гуманитар фанлар ва фалсафа фани ўқитишдаги инқироз ҳолатлари ёритиб берилган бўлиб, ЮНЕСКО раҳнамолигида махсус мутахассислар томонидан ўтказилган таҳлил натижалари кўрсатилиб ўтилган. Шунингдек мавжуд инқироз ҳолатидан чиқиш учун фалсафий таълимга янги усулларни жорий қилиш, талабаларда танқидий ва тахлилий қобилиятларни шакллантириш орқали эришиш мумкинлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: инсонпарварлик таълимининг инқирози, фалсафани ўргатиш, ЮНЕСКО, "тушунтириш ва таҳлил – фалсафий билим ва методика -коммуникация" тушунчаси, босқичма-босқич ўқитиш усули.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ В ИЗУЧЕНИЕ ФИЛОСОФСКИХ ПРЕПОДОВАНИЕ В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ

Мухтарова Уткиржон Муталибжанович
Докторант Андижанского Государственного Университета

Аннотация: В статье освещается современный кризис в преподавании гуманитарных предметов и философии. Описываются результаты анализа состояния дел с преподаванием философии, проведенного международной группой специалистов по инициативом и под руководством ЮНЕСКО. Выход из развивающегося кризиса может быть найден при внедрении новых подходов к преподаванию философии, направленных на формирование критических и аналитических способностей студентов.

Ключевые слова: кризис гуманитарного образования, преподавание философии, ЮНЕСКО, подход «интерпретация и анализ – аргументация – философское знание и методология – коммуникация», метод этапного обучения.

METHODS OF TEACHING PHILOSOPHICAL SUBJECTS AT HIGHER EDUCATION

Mukhtarov Utkirjon Mutalibjanovich
Doctorate of Andijan State University

Abstract: This article is devoted to describe some decadence of teaching humanitarian and philosophical subjects and given several results that accomplished by special specialists of UNESCO. Also, solutions and preventions to the problems above are written and focused to increase the analyzing thinking to young students.

Keywords: decadence of education of humanity, learning philosophy, UNESCO, concept "describing and analyze – philosophical knowledge methodology and communication", teaching step by step.

Ҳозирги даврда фалсафани ўқитишда ўқитувчи дуч келадиган энг характерли шарт-шароит шундаки, фалсафа шакланганидан буён то ҳозиргача унинг аслий предметида ҳам, уни ўрганувчиларнинг табиатида ҳам, уни ўрганишнинг ташкиллаш шаклларида ҳам тинимсиз ва катта ўзгаришлар содир бўлган. Энг охирги ўзгариш юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши муносабати билан доғдалашган ва бирёқлама марксча-ленинча фалсафанинг инкор этилиши ва унинг ўрнига ўз миллий фалсафамизни шакллантириш масаласининг қўндаланг бўлиши муносабати билан амалга ошмоқда. Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган мурожаатномасида қуйидаги масалага алоҳида эътибор қаратди: “Хусусан, миллий ўзлимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур” [12].

Бунинг учун биринчи галда ҳаққоний ёритилган тадқиқотлар, янги авлод дарсликлари, китоблар, дастур қўлланмалар яратиш зарур.

Ҳозирги даврда жаҳон таълим соҳасида чуқур инқироз содир бўлаётганлиги сир эмас. Ушбу ҳолат таълим соҳасининг турли босқичларида ўзини намоён қилиб келмоқда. Баъзи мамлакатларда бу инқироз бошланмоқда баъзиларида эса инқироз ҳолати айни гуллаган давр, баъзиларида эса мамлакатдаги ҳолат инқироз оқибати сифатида баҳоланмоқда. Америкалик файласуф М.Нуссбаумнинг фикрига кўра, Умумжаҳон миқёсидаги таълим соҳасидаги инқироз умуман олиб қараганда сезилмай қолмоқда [1]. Лекин унинг оқибатлари кишилик жамиятининг барча жабҳаларига қақшатқич зарба бериши мумкин. Ушбу зарба нафақат жамиятнинг иқтисодий асосига балки, демократик бошқарув ва энг хавфлиси инсоннинг ўзлигини англашга, маданиятига фикрлаш тарзи ва унинг эркинлигини ҳам катта хавф остига қўймоқда. М.Нуссбаум бу инқироз ҳолатига келиб қолишига биринчи навбатда гуманитар фанларга бўлган муносабатнинг ёмонлашуви оқибати эканлигини таъкидлаб ўтмоқда. Ушбу фикрга кўра гуманитар фанлар ва санъат инсон ўзлигини англашида энг катта ўрин тутиб жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида технологиялар, иқтисодий ва молиявий қудратга эга бўлди. Бу қудрат инсониятнинг тараққиётига унинг ўз моҳиятини англаб етишига хизмат қилиши керак эди. Лекин ҳозирги кунга келиб эришилган ютуқлар инсонни ушбу қудратга хизмат қиладиган қисмига айланиб қолди. Бу ҳам етмагандек ҳозирги инсоннинг асосий мақсади ҳам юқоридаги тизимлар таркибига киришига хох у мажбурий бюрократик тизим ёки иқтисодий молиявий ва техник технологик тизим бўлсин. Бундай тизимлар элементига айланиши инсоннинг ривожланишини секинлаштириб унинг эркинлигини чегаралайди. Аслида эса бундай тизимлар инсоният ривожланиши учун хизмат қилиши керак бўлсада М.Нуссбаум ачиниш билан таъкидлайдики, “табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг инсонпарварлик ғояларига асосланганлиги ҳам ўз ўрнини бўшатиб бериб давлат қисқа муддатли рентабелликка

интилиб фойдали, катта талабга эга бўлган фойда келтирадиган кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда” [1. С. 16]. Бу ерда ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда инсоннинг инсон сифатида ривожланиши эмас, балки, юқори технологияларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини айтилмоқда. М.Нуссбаумни нуқтаи назарини исботлайдиган мисоллар жуда кўп. Мисол учун компьютардаги “Софт” ва “Хард” инсон интелекти модели сифатида яратилган эди. Ҳозирги кунга келиб эса онг фаолияти ва инсон табиати ҳам информацион техника-технология терминлари орқали ифодаланмоқда. Бошқача айтганда, инсон ўзини муаллиф ва ижодкор яратувчи сифатида англамай ижодкорлик моҳиятини йўқотмоқда. Бундай ҳолатни келиб чиқишига асосий сабаб ҳозирги кунда гуманитар фанлар ва айниқса фалсафага бўлган эътиборсизлик оқибати эканлиги кўплаб муаллифлар томонидан айтиб ўтилган. Лекин шунга қарамай ҳозирги ҳолат ўнглаб бўлмас даражада эмас. М.Нуссбаум фикрлари тўлиқ ахборотга асосланмаган, масалан, Британия таълим тизими мумтоз либерализм ғояларига асосланганлиги, ундаги чекловлар Маркс томонидан ҳам очиб берилган эди. М.Нуссбаум парадигмаси эса Америка таълим тизимидаги ўқитиш ҳисобланади. У ерда санъат соҳалари эркин тарзда ўргатилади. Шунда ҳам Америка ва Британиядаги гуманитар соҳаларга муносабатларни солиштириш ҳам М.Нуссбаум таҳлилини тўлиқ асослайди. Лекин бундай таҳлилар гуманитар фанлар айниқса фалсафани ўқитишдаги муаммоларни инкор қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Бунга мисол тариқасида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳнамолигида ўтказилган фалсафанинг статусини аниқлашга қаратилган таҳлилни кўрсатиш мумкин [6. С. 11]. Ушбу таҳлил материалларига кўра фалсафа таълими 2005 йилда ўша даврдаги ЮНЕСКО Бош директори Коиширо Мацууро томонидан белгиланган талаблар асосида ўрганилаётганини айтиш мумкин. Коиширо Мацууро фикрига кўра, Фалсафани ўрганиш эркинликни англашдир. Фалсафа инсонни танқидий таҳлил қилишга ўргатиб, уни ҳар қандай докторина бошига қарши курашга ундайди. Ушбу материалларга кўра Фалсафа деб инсон қабул қилаётган ахборотни таҳлил қилиш, уни туркумлаш рефлексиф ва методик селекция усуллари орқали ўзлаштириш жараёни ҳисобланади. Чунки, у ўз ўрнини топишига сабаб бўлади. Инсон ушбу ахборотни қайта ишлаш ундаги инсон ва дунё муаммоларини таҳлил қилишга ундаб, у инсоннинг ички эҳтиёжи ҳисобланади. Фалсафа инсондаги айнан шу жиҳатларни шакллантириб боради ҳамда инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Фалсафани ўқитилиши ҳақида гап борганда шуни унутмаслик керакки, унда миллий хусусиятлар, ижтимоий муносабатлар, диний дунёқараш, давлат ва жамият бошқарув тизими хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Айтиш мумкинки, Европа мамлакатларида фалсафани ўқитиш иккита йўналишда олиб борилади. Бу йўналишлар ўртасида кўплаб фарқлар мавжуд лекин, ўхшаш жиҳатлар ҳам кўп. Бу жиҳатлар нафақат фалсафа балки, гумманитар фанларнинг барчасига тегишли.

Испания, Франция, Италия, Португалия каби мамлакатларда Фалсафа таълими таълим бериш соҳасининг таркибида муҳим ўрин тутаяди. Дания, Австрия, Буюк Британияда бундай анъаналар унчалик мукамал эмас. Айниқса,

университетларда куйи даражада Фалсафани ўқитишдан қутилган мақсадлар ҳам турлича. ЮНЕСКО томонидан ўтказилган тахлиллар шуни кўрсатадикки, бу соҳада турли йўналиш, услуб, анъана ва режалар мавжуд. Аммо шуниси аниқки, фалсафани ўрганиш, инсоннинг тараққиётини, ундаги бағрикенгликни шакллантириб, маданиятлар диалогини турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги алоқани мустақамлаш маънавий ахлоқий қадриятларни шаклланишига турки беради. Фалсафа инсондаги танқидий тахлил ва ижодий фаолиятни ўстиришни кўплаб олим ва тадқиқотчилар таъкидлаб ўтган. Фалсафани жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқиб, ЮНЕСКО умумжаҳон фалсафа кунини таъсис этишга сабаб бўлди.

Бугунги кунда хорижий олий таълим муассасаларида фалсафа бари бир ўз ўрнини сақлаб келмоқда. Худди шунга ўхшаш вазият Шимолий Америка университетларида ҳам мавжуд. Охирги ўн йилликда бу ерда Фалсафага қизиқиш, уни ўрганишга интилиш кучайган [11]. Бу фалсафий фанлар доирасини кенгайтишида ҳам кўришиб турибди.

Ўзбекистонда фалсафани олий таълим соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гап кетганда уни қандай ўқитиш масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бунда анъаналардан ташқари бошқа мамлакатлардаги тўпланган тажрибага ҳам мурожаат қилиш керак. Бу борада биз баъзи мақолаларда [2–5; 7; 8] ва китобларда [10] баён қилинган тажрибаларни ҳам кўриб чиқишимиз мумкин.

Фалсафани ўқитишдан мақсад талабаларда муайян билимлар захирасига эга бўлишдан иборат. Мамлакатимиз таълим тизимига таклиф қилинаётган таълим моделларидан бири босқичма-босқичликка асосланади. Интерпритация ва тахлил – далиллаш – фалсафий билимлар ва методология – коммуникация. Бошқача айтганда биринчи ўринга фалсафий матнларни таҳлил қилиш, шарҳлаш ва тушуниш кўтарилади. Шундай кўникмалар шакллантирилгандан сўнггина талабалар томонидан асосий анъаналар, шахслар тушунчалар ва фалсафий услубларни қай даражада ўзлаштирганликлари баҳоланиши мумкин. Якуний қоида сифатида талабалар томонидан ёзма ва оғзаки мунозара пайтида асосий ғояни ифодалашда ўз фикрларини тўғри, раво, тизимли ва аниқ ифодалаш лозим бўлади. Юқорида санаб ўтилган тўртта мақсаднинг ҳар бири талабаларнинг кўйилган мақсадга эришгани ёки эришмаганини кўрсатади. Биринчи вазифани ўзлаштириш даражасини аниқлашда талабалар томонидан матн ёки мутафаккирнинг ифода қилаётган асосий ғоясини аниқлаш учун тарифлаш кўникмалари ўрганилади.

Иккинчи вазифани ўзлаштиришини назорат қилишда талабанинг турли файласуфлар ва фалсафий йўналишлар ўртасидаги фарқни англаш матн қисмидан далилни ажратиб олиш, хатоликларни топиш, оддий мантиқий тахлил орқали далилларни баҳолаш, у ёки бу нуқтаи назарни асослаш ёки инкор қилиш учун асосларни ишлаб чиқиш кўникмаларини шаклланишига эътибор бериш зарур.

Фалсафий билимлар ва методология вазифасини эгаллаганлиги даражасини аниқлашда талабалардаги фалсафий масала ва нофалсафий масалаларни бир биридан фарқлаш; фалсафа методологияси ва бошқа фанлар методологияси

ўртасидаги муносабатларни аниқлаш; эмприк тасдиқлар ва аргюментлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш; фалсафий муаммоларни концептуал анализ қилиш; метафизика, эпистемология, қадриятлар назарияси ва мантиқ ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш қўникмаларининг шаклланганлиги; фалсафанинг турли муаммоларини бир бири билан боғлаш; интеграциялаш, фундаменталь тушунча ва назарияларни ахлоқ ҳамда сиёсий фалсафа йўналишлари билан таниш бўлиши фалсафа тарихи ва анъаналарини англаши орқали рўёбга чиқади. Коммуникативлик кўрсаткичларини баҳолаш учун талабаларнинг фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда қизиқарли ёндашув, матн моҳиятини англаб етишга ўзгалар фикрини ҳурмат қилиши орқали ифодаланади. Бундан ташқари ўз фикрларини оғзаки ёзма нутқда ифодаланишида сўзларни тўғри қўллаш мақсад сари босқичма босқич интилишни назарда тутлади.

Хулоса қилиб айтганда биринчидан, ҳозирги даврда фалсафани ўқитишда барча фанларни ўқитишда бўлгани каби янги услубиятни қўллаш, яъни инновацион методлардан фойдаланиш талаб этилмоқда. Иккинчидан, шаклланиши ҳали ўз ниҳоясига етмаган миллий фалсафий таълимни янги услубият асосида ўқитиш муаммолари устида ҳам ишлашимиз зарурати кўндаланг бўлмоқда. Учинчидан, фалсафадан таълим бериш жараёнининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан шу соҳада яратилаётган ДТС, дастур, ўқув қўлланма ва дарсликларнинг таълим олувчилар онги, дунёқараши, шахсий сифатлари, мустақил фикрлаши, ижодий тафаккурини ривожлантира олиш савиясига боғлиқ.

Юқоридаги жиҳатлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида фалсафий таълимни ўқитишда бугунги замон талабларига мос, халқаро таълим андозаларини ҳисобга олган ҳолда янги методлар орқали ўқитиш долзарб аҳамиятга айланиб бормоқда.

References:

1. *Nussbaum M.* Ne radi pribili. ZACHEM demokratii nujni gumanitarnie nauki. – M.: Visshaya shkola ekonomiki, 2014. – 192 s.
2. *Cahill A.J., Bloch-Schulman S.* Argumentation Step-By-Step: Learning Critical Thinking through Deliberate Practice // *Teaching Philosophy* – 2012. – Vol. 31(1). – P. 41–62.
3. *Davis J.R.* Socrates in Homeroom: A Case Study for Integrating Philosophy across a High School Curriculum // *Teaching Philosophy* – Vol. 36 (3). – 2013. – P. 217–238.
4. *Gelger T. van.* Teaching Critical Thinking: Some Lessons from Cognitive Science // *College Teaching*. – Vol. 53 (1). – 2005. – P. 41–46.
5. *Lone J.M., Green M.* Philosophy in High School: Guest Editors' Introduction to a Special Issue of *Teaching Philosophy* // *Teaching Philosophy*. – Vol. 36(3). – 2013. – P. 213–215.
6. *Philosophy: A School of Freedom. Teaching Philosophy and Learning to Philosophize.* – Paris: UNESCO Publ., 2007. – XXI, 279 p.

7. Riley S.A. Building a High School Philosophy Program // Teaching Philosophy. – Vol. 36 (3). – 2013. – P. 239–252.
8. Rudisil J. The Transition from Studying Philosophy to Doing Philosophy // Teaching Philosophy. – Vol. 34(3). – 2011. – P. 241–271.
9. Sarat A. Traditions and Trajectories in Law and Humanities Scholarship // Yale Journal of Law and Humanities. – Vol. 10(2). – 1998. – P. 401–407.
10. Saunders C. Doing Philosophy: A Practical Guide for Students / Saunders C., Mossley D., Ross G.M., Lamb D. – L.: Continuum, 2007.
11. Teaching Philosophy in Europe and North America. – Paris: UNESCO Publ., 2011. – 97 p.
12. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.